

ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИДА ИРФОН ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МАЪМУН- МОҲИЯТИ

ПОНЯТИЕ ИРФАН И ЕГО ЗНАЧЕНИЕ В УЧЕНИИ СУФИЗМА

THE CONCEPT OF IRFAN AND ITS SIGNIFICANCE IN THE DOCTRINE OF SUFISM

Zamirakhon R. ISAKOVA,
NAMANGAN STATE UNIVERSITY,
Associate Professor of the department
“Social Sciences”

ms.outstanding@mail.ru

161, Boburshoh, Namangan, 160107, Uzbekistan.

DOI: 10.47980/IAU/2021/4/7

Аннотация: Мақолада ирфон тушунчасининг мазмуни ва моҳияти, ирфон аҳлининг борлиқ, билиш, комил ахлоқ, маънавият ва маърифат, ижтимоий ривожланиш, илм-фан ҳақидаги қараишлари Шарқ фалсафий тафаккури ривожига салмоқли ўрин эгаллаган мутафаккирларнинг қараишлари билан муштараклиги, ирфоний билимларнинг янги таснифи ҳамда унга тегишли тасаввуфий-ирфоний манбалар асосида очиб берилган.

Ирфоний адабиётларнинг Шарқ халқлари ижтимоий-маънавий ҳаёти, илм-фан, маданият, адабиёт ривожига ижобий таъсир кўрсатгани ҳамда умуминсоний маданиятнинг таркибий қисмига айлангани илмий билишнинг объективлик, интерпретация, тарихийлик, мантиқийлик, ворисийлик, тизимлилик, герменевтика, қиёсий таҳлил усуллари асосида тадқиқ этилган.

Ирфон руҳий-маънавий покликни талаб этадиган мураккаб ҳодиса сифатида бир тарафдан, диний илмларни мужассам этса, иккинчи тарафдан, динда диннинг моҳиятини ифодалайди. Дин билан ирфон илми моҳият ва ҳодиса, мазмун ва шакл муносабатлари каби мураккаб ва бир-бирига ўзаро боғлиқ ҳодиса, яъни ислом дини минг йилдан ортиқ тарихи давомида мусулмон халқларнинг имон-эътиқоди билан бирга ҳаёти ва тафаккур тарзи, маънавиятининг ажралмас қисмига айланган. Шу билан бирга, тасаввуф таълимотининг таркибий қисми ирфон ҳам асрлар оша динни фаоллаштирувчи, жонлантирувчи функцияни бажарган. Ирфон илми қадимдан турли шакл ва номлар билан аталиб, илоҳиётшунослик ва диний манбаларда турлича талқин этилган.

Ирфоний илмларнинг иерархик таснифи шариат, тариқат, маърифат асосида тушунтирилиб, ирфон илмининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, ирфон аҳлининг жамиятдаги фаоллиги диний анъаналар интеграциясига

йўл очгани, тариқат аҳли ўртасидаги жипслик, биродарлик, альтруизм, жавонмардлик каби фазилатлар орқали жамиятни соғломлаштириш ва ахлоқий етукликка эътибор қаратилгани, орифлар ахлоқий талаб ва меъёрларни худосеварлик ва баркамоллик тушунчалари билан уйғунлаштириб, амалиётда қўллаш билан бирга, юксак ахлоқий тамойил ва меъёрларни ўз фаолиятларида намойн этганлари объектив баҳоланган.

Тасаввуф аҳлининг инсоният маънавий камолоти ва ақлий салоҳияти баркамоллиги учун хизмат қиладиган бебаҳо ирфоний асарларининг бугунги кунда ҳам ахлоқий меъёрларни жамиятни тузатиш, ҳар тарафдан бостириб келаётган ижтимоий зарarli хавфларнинг олдини олиш, глобал жараёнларга маърифат билан ёндаиши, бунинг ортидан башариятни, шу орқали дунёни ворисийлик мезони асосида такомиллаштиришдаги муҳимлиги, шу асосда, тасаввуфий-ирфоний асарлар таржималарини амалга ошириш орқали ёшларнинг тарихий хотирани англашларига доир янги парадигмал ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлиги илмий асосланган.

Калит сўзлар: ирфон, Аллоҳ, ориф, илм, маърифат, ҳикмат, ирфоний илмлар, ҳол, мақом, ишқ, ахлоқ, камолот.

Аннотация: В статье раскрываются содержание и сущность концепции ирфан, взгляды арифов на существование, знания, совершенную мораль, духовность и просвещение, социальное развитие, науку, взгляды мыслителей, сыгравших значительную роль в развитии философской мысли Востока, изученной на основе суфийских источников.

Позитивное влияние суфийской литературы на социально-духовную жизнь народов Востока, развитие науки, культуры, литературы и ее развитие как части общечеловеческой культуры изучены на основе научного познания, как объективность, интерпретация, историчность, логичность, унаследованность, систематичность, герменевтика, сравнительный анализ.

Ирфан, как сложное явление, требующее духовной чистоты, с одной стороны, олицетворяет религиозные науки, а с другой олицетворяет суть религии в религии. Наука ирфан и религия представляет собой сложное и взаимосвязанное явление, такое как взаимосвязь сущности и явления, содержания и формы, то есть ислам был неотъемлемой частью образа жизни и мышления, духовности, наряду с верой мусульманов более тысячи лет. В то же время ирфан, который является неотъемлемой частью суфийских учений, на протяжении веков служил активатором и оживителем религии. Наука ирфан долгое время называлась разными формами и именами и по-разному интерпретировалась в богословских и религиозных источниках.

Иерархическая классификация ирфанических наук объясняется на основе шариата, учений, просвещения. Объединив этические требования и нормы с концепциями благочестия и совершенства, а также их применение на практике, роль ирфанической науки в общественной жизни арифов, объективно считалось, что последние

сочетают высокие моральные принципы и нормы в своей работе с понятиями благочестия и совершенства, а также применяют их на практике.

Бесценные мистические произведения мистиков, которые служили духовному совершенствованию и интеллектуальному потенциалу человечества, по-прежнему служат для корректировки моральных норм современного общества, предотвращению социально вредных угроз человечеству в глобальном масштабе. На этой основе научно обоснована необходимость разработки новых парадигматических подходов к пониманию исторической памяти молодежи через осуществление переводов суфийских и ирфанических произведений.

Ключевые слова: ирфан, Аллах, ариф, знание, просвещение, мудрость, знание ирфан, суфийское состояние, стоянки, любовь, нравственность, совершенство.

Abstract: The article reveals the content and essence of the concept of Irfan, the views of the arifs on existence, knowledge, perfect morality, spirituality, and enlightenment, social development, science, the views of thinkers who played a significant role in the development of the philosophical thought of the East, studied based on Sufi sources.

The positive influence of Sufi literature on the social and spiritual life of the peoples of the East, the development of science, culture, literature, and its development as part of a common human culture have been studied based on scientific knowledge.

Irfan, as a complex phenomenon requiring spiritual purity, on the one hand, personifies religious sciences, and on the other, personifies the essence of religion in religion. The science of Irfan and religion is a complex and interconnected phenomenon, such as the interconnection of essence and phenomenon, content and form, that is, Islam has been an integral part of the way of life and thinking, spirituality, along with the faith of Muslims for over a thousand years. At the same time, Irfan, as an integral part of Sufi teachings, has served as an activator and revitalizer of religion for centuries. The science of Irfan has been interpreted in different ways in theological and religious sources.

The hierarchical classification of irfanic sciences is explained based on Sharia, teachings, and enlightenment. By combining ethical requirements and norms with the concepts of piety and perfection, as well as their application in practice, the role of Irfan science in the public life of the Arifs objectively assessed that they combine high moral principles and norms in their work.

The invaluable works of mystics served the spiritual improvement and intellectual potential of humanity. They still serve to adjust the moral norms of modern society, prevent socially harmful threats from all sides, enlighten to approach global processes, and then inherit humanity and the world. On this basis, the need to develop new paradigmatic approaches to understanding the historical memory of youth through the implementation of translations of Sufi and irfanic works has been scientifically substantiated.

Keywords: Irfan, Allah, arif, knowledge, enlightenment, wisdom, knowledge of Irfan, Sufi state, status, love, morality, perfection.

КИРИШ

Шарк фалсафий тафаккури ривожда ирфоний илмларнинг тадрижий (эволюцион) камолоти қуйидагича акс этган: X асрдан ўзига хос ирфоний билиш концепцияси сифатида “барча илмларни қамраб оладиган, ҳикмат ва фалсафани ҳам қўшадиган орифона тасаввуф [Комилов Н., 1996:47] шаклланиб, тараққий этган ҳамда XIII асрда ривожланиш чўққисига етган [Григорян С., 1960:13] ва Шарк фалсафий тафаккурининг ажралмас қисмига айланган. Ирфон илми ривожда аввал ўз-ўзини тарбиялаш (X-XI асрлар) орқали, кейинчалик шайх ёки пир воситасида (XII-XIII асрлар) ахлоқий фазилатларга эришилган [Хайруллаев М., 1994:22]. Ҳозирга қадар аҳамиятли бўлган, илм ва ахлоқ уйғунлиги мужассамлашган ирфоний адабиётлар айнан шу даврда ижод қилинганки, уларда илгари сурилган ирфоний-фалсафий ғоялар бугунги давр учун ҳам, келажак учун ҳам бирдек қимматли ва аҳамиятлидир.

УСЛУБЛАР

Тадқиқотларга кўра, X-XIII асрларда ирфон илми антропоген (инсон фаолияти билан боғлиқ) ривожланиш жараёнида бўлган [Степанянц М., 2001:218]. Бу даврда ирфон илми мазмунан чуқурлашган ва истилоҳот (терминология) шаклланган ва мазмунан бойиб борган. Мисол учун, X-XI асрларда “фано” истилоҳи (йўқлик) маъносида истифода этилган бўлса, XII асрдан “фано” инсоний сифатдан инсонийликдан ҳам юқори, илоҳий сифатга ўтишни англатган [Саййид Жаъфар Сажжодий., 1370:219].

X-XIII асрларда кучли мушоҳада юритиш тарзи қатъий императив комил ахлоқийлик (илм ва амал муштараклиги)ни келтириб чиқарганки, натижада ирфон илмида одоб-ахлоқ концепцияси тўлиқ шакллантирилган. Олий инсоний фазилатлар “ҳамида (мақталган, улуғ) ахлоқ” деб аталиб, ирфон илми ва ахлоқ бир-бирини тўлдирган ва мазмунан бойитган [Комилов Н., 1995:27].

Ирфон юксак тафаккур, яъни ўзликни англаш, ана шу субстанционал асос орқали ўз Яратувчисини англаш, яратилган барча нарсаларни қадрлаш (табиат, ҳайвонот, набобат ва инсон олами) ақл-заковат ҳосиласидирки, Шайх Калободий “Ат-таъарруф” асарида бу концепцияни ирфон аҳлининг қарашлари билан бойитган ҳолда тақдим этган.

Ҳаким Термизий (ваф. 932 й.) ирфон илмини “ҳикмат” атамаси билан изоҳлаган: илм шариатнинг

баёни, илм Аллоҳнинг бандаларига ҳужжатиدير. Ҳикмат ҳақиқат баёнидир” [Усмонов И., 2006:15]. Шу маънода ориф “ҳаким” деб аталган: “Ҳикматга кулоқ берувчилар икки тоифа бўлади: оқил ва омил. Оқил ҳар бир ҳикматдан ҳайратга келади, ҳикматни эшитгани сари завқи ошиб боради. Омил ҳикмат таъсирида вужуди билан ўзгаради, гўёки қалби илондек тўлғанади” [Абу Абдурахмон ас-Суллами, 2004:75]. Бундан нарсаларнинг мазмун-моҳиятини англашда ҳикматнинг беқиёс аҳамияти теран англашилади. Ориф ҳикматни ақлий фитрий кучига таяниб билгани учун оқилдир. Ақли фитратдан бебаҳра бўлган инсон нарсаларнинг ички моҳиятини била олмайди ва ҳақиқатни рад этади. Бунинг сабабини маърифат, яъни билиш идрок, ҳиссиёт, тасаввур ва тафаккур воситасида амалга ошиши [Ал-Ҳаким ат-Термизий., 1981:85], бу воситаларнинг фақат ақлий фитратда бўлиши билан изоҳлаш ўринли.

Ислом цивилизацияси ривожда ирфон илмининг моҳияти Абу Ҳомид Ғаззолий (ваф. 1111 й.)нинг шариат ва тасаввуф илмини ўзаро боғлиқлиги ва муносабати таҳлилида акс этиб, ўзаро муштарак жиҳатлари кўрсатилган. Бу тасаввуфий-ирфоний илмларнинг уламо ўртасида кенг ёйилиши ва илм сифатида тан олинishiга, кейинчалик диний ҳаёт тарзининг етакчи кучи бўлишига олиб келган. М.Ходсон бу масалани тизимли таҳлил қилган [Hodgson G., 1974:201-254].

Ирфон илоҳий воқелик (Аллоҳ) билан бевосита алоқада бўлиш, Аллоҳни Унинг илми билан билиш ва Унинг маърифати билан англашнинг ифодаладиган диний-фалсафий истилоҳ (тушунча)дир. Инсон руҳи илоҳий моҳият билан бевосита боғланиб, унда яшайди. Бу жараён қалб билан боғлиқ бўлиб, онг иштирок этмайди. Бунинг сабаби шундаки, англамаган ҳолат учун далил-исбот фойда бермайди. Илоҳий моҳиятни англаш борликни турли шакл (тасвир, образ, символ, модел, рамз, белги, тимсол, ғоя, ҳиссий инъикос, тушунча орқали)да ўзлаштириш концепциясини инкор этади.

Ирфон орифнинг завку шавк, шухуд (Ҳакни қалб кўзи билан кўриш, Ҳақ билан Ҳакни кўриш) воситасида Аллоҳ ва Унинг моҳиятини ҳис этишидир [Зарринқўб А., 1992:368]. Ирфон илмини тадқиқ этишда экстравертив (ташқи) далиллар ва тарихий позитивизм нуқтаи назаридан фойдаланиш натижа бермайди, яъни улар аниқ рационал хусусиятни такомиллаштиришга қаратилгани учун ирфон илмининг соф мазмуни очилмай қолади. Ирфон орифнинг “илоҳий васл” (етишиш, висол) га бўлган иштиёқи, Аллоҳ билан воситасиз, яъни тўғридан тўғри боғланиши усулидирки, А.Бергсон

ҳам бундай боғланишнинг интровертлиги, ўз-ўзини интеграциялаши, диалектикаси, янгиланиши, яъни динамик ҳаракатини эътироф этган [Бергсон А., 1994:13].

Ирфоний илмлар ривожда борлиқ ҳақидаги қарашлар икки кўринишга эга бўлиб, биринчиси, “вахдат уш-шухуд”, яъни идеал (Аллоҳ) бу оламда ўзининг белги (шухуд)сини намоён қилади. Борлиқни ана шу белгилар асосида билиш мумкинки, инсон вужудида Унинг мукаммаллик белгиси бор. Инсон вужудини ўрганиш билан Борлиқни (вахдат) ни тасаввур қилиш мумкин. Бундай қараш Шайх Абу Бакр Колободий, Юсуф Хос Ҳожиб, Азизиддин Насафий асарларида акс этган [Комилов Н., 1999:76]. Иккинчиси, “вахдат ул-вужуд” деб аталиб, унга кўра, бутун Борлиқ Идеал (Аллоҳ)нинг вужудидан иборат. Унинг файзу таровати борлиқни ҳаракатлантириб туради [Смирнов А., 1990:15]. Бу каби қараш Ҳожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Ибн Арабий, Шайх Нажмиддин Кубро қарашларида мужассамдир.

Тавҳид Аллоҳнинг Ягона Борлиқ экани, шу сабабли Яратувчи бўлган Аллоҳнинг зот, феъл ва сифатда барча яратилганлар, оламу инсондан фарқланишидир. Аллоҳ қилган ишидан сўралмайди, фақат инсон қилган ишидан сўралади, яъни барча оламлар Яратувчиси (Аллоҳ)нинг Зоти (субстанция) ҳақида яратилган (махлуқот)лар фикр юритмайди. Барча оламларни Яратувчиси (Аллоҳ)нинг сифатида ўзида акс эттирган инсон моҳияти (акциденция) тўғрисида фикр юритиш мумкин. Бунинг маъноси шуки, “Аллоҳ таолонинг борлиғи инсоният борлиғидек эмас. Чунки ҳамма мавжудот жисмдан иборат бўлиб, улар замон ва маконда бўлади. Аллоҳ таолонинг зоти (борлиғи) замон ва макондан холидир. Барча яралишнинг дебчаси (боши) ва интиҳоси (якуни) бор. Аллоҳ таолонинг борлиғида ибтидо ва интиҳо йўқ” [Муҳаммад Мустамлий Бухорий., 1366:8], яъни Аллоҳ Ўзи яратган олам ва одамни тажаллий (илоҳий) файзнинг зуҳурланиши, ғайб нурларидан вужудга келган партав, кўриниш, жило) воситасида қувватлантиради.

Борлиқнинг сир-асрори, илму ҳикмати, ҳислат ва хусусияти, қонуниятлари Аллоҳ сифатларининг инъикосидирки, бу сифатларнинг ҳар бирини таниб, билиб олган ориф “жамъ” мартабасида Аллоҳ зотини таниши мумкин. Борлиқ Аллоҳ сифатининг белгиси ва инъикоси бўлиб, сифатдаги алоҳида-алоҳида хусусият (“жузъ”) жамланиб, трансцендентал (умумий), универсал (“кулл”) хусусиятга кўтарилади ва ягоналик, бирлик (“тавҳид”) юз беради. Бу жараёнларни ориф бутун вужуди, ҳисси, ақли, шуури ва идроки билан қамраб олган руҳида мужассам этади.

Ирфон илми ахлоқ билан чамбарчас боғлиқлиги учун унга “ахлоқий фан” деб баҳолаш бир тарафлама қарашдир. Биринчидан, ирфон илми инсоннинг Аллоҳ билан робитасини устувор билган ҳолда инсоннинг ўз-ўзи, борлиқ ва Яратувчи билан ўзаро алоқасини бирликда зарур бўлган диний-ахлоқий тизимлар асосида таҳлил этади. Бунда барча ахлоқий тизимларнинг Яратувчи билан муносабатлари эътиборга олинмайди: дин ахлоқнинг асоси бўлиб, ундан кадрятлар, фазилатлар ва ахлоқнинг идеал намуналари келиб чиқади.

Иккинчидан, ахлоқий қоидалар муайян мувозанатга бўйсунди. Ирфон илми мақомларни босқичма-босқич забт этиш ҳамда кучли иродани талаб этади. Ориф назарида нафсга қарши кураш, нафсни енгиш, ҳол ва мақомлардан бирма-бир ўтиш “сирот кўприги”дан ўтиш кабидир [Абу Хамид аль-Газали., 2007:138]. Бу йўл шуниси билан аҳамиятлики, мақомлардан бирини забт этмасдан иккинчи мақомга ўтиш ёхуд битта мақомда узлуксиз қолиш аниқ мақсадга олиб бормайди.

Абулқосим Қушайрий мақом (манзил, маънавий мавке, мартаба, тўхтам)нинг ҳақиқатини “қулнинг такрор асосида сифат ҳолига етказгани одоб ва ахлоқдирки, унга риёзат, мужоҳада билан эришилади” деб таърифлаган бўлса, Шайх Нажмиддин Кубро “мақом йўлчилик юрғинлигидан кутулиш учун истироҳат ва “қўноқ” бўлишдир, яъни ҳол қушнинг икки қаноти бўлса, мақом унинг уяси янглиғдир” деб изоҳлаган.

Ирфон аҳлининг борлиқ, билиш, комил ахлоқ, маънавият ва маърифат, ижтимоий ривожланиш ҳақидаги қарашлари Шарқ фалсафий тафаккури ривожда салмоқли ўрин эгаллаган мутафаккирларнинг қарашлари билан муштарак бўлиш билан бирга, ҳозирга қадар таъсири ва аҳамиятини йўқотмаган. Француз тасаввуфшунос олими Р.Арнолдз айтганидек, ислом тасаввуфи шундай боблар ва материалларни ўз ичига оладики, кенг маънода ислом асослари ва гаълимотлари билан йўғрилиб кетган [Жўзжоний А., 2001:19].

Ирфон илми ривождаги эътиборли жиҳат инсон учун қайғуриш, унинг маънавий камолотини ўйлаш, инсоннинг жамиятдаги ўрни, нафс тарбияси, салбий иллатлардан халос бўлиш, “мен”ликдан кечиш, ўзгалар ҳолатини чиқариш, турли расм-русм ва мазҳабларга боғланишдан устун туриш, шариат талабларини бажариш билан чекланиб қолмай, ҳар жиҳатдан комилликка интилиш, “Аллоҳга, фақат Аллоҳга бандалик қилиш ориф учун озодликдир” деган эзгу ғоялар саховат ва футувват тарғибида акс этган. Бу ирфоний хурфикрлиқдир.

Фалсафий хурфикрлиқ [Аликулов Х., 1991:19] билан ирфоний хурфикрлиқ ўртасидаги

мувофиқ жиҳатлар инсонни улуғлаш ва ҳар қандай ақидапарастлик, мазҳабпарастлик, тарафкашлик, мутаассибликка қарши ғояларда акс этган [Хайруллаев М., 1990:18]. Айнан ирфон аҳли ҳар қандай ақидапарастлик ва мутаассибликка қарши бўлишган.

Фалсафий хурфикрлиқ билан ирфоний хурфикрлиқ ўртасидаги фарқ шундаки, тасаввуфдаги хурфикрлиқ “Аллоҳни инкор қилиш” дегани эмас, балки илмларни ривожлантириш, янги-янги илм ҳосил қилиш орқали олам сирларини кашф этишда намоён бўлган [Хайруллаев М., 1991:6]. Буларнинг барчаси ўрта асрлар мутафаккирлари, мутасаввифлари ва ирфон аҳлининг пок эътиқоди, дунёқарашининг ёрқин ифодасидир.

Илмлар моҳиятига кўра, илоҳий (ҳол) ва инсоний (қол) илмга ажратилади. Илоҳий илм орқали мавжуд ва номавжуд жонзодлар билиб олинади: илоҳий илм яширин маъноларни ўз ичига олади ва уларни кашф этади. Ориф ҳар бир ҳаракатини Аллоҳ кўриб турганини аниқ ҳис қилади [Али ибн Усман аль-Джуллаби аль-Худжвири., 2004:32].

Инсоний илм ва илоҳий илм ўртасида фарқли жиҳатлар мавжуд бўлиб, илоҳий илм туганмас ва мангу, инсонга хос илм эса чекланган [Кныш А., 1992:11].

Ирфон илмида уч мартабага эътибор қаратилади:

1) Илм (билиш) манбаи Аллоҳдир [Абу Хомид Ғаззолий., 2019:17]. Моддий дунёдаги жамики илм, инсоният тўплаган ҳикматлар, ҳали очилмаган сир-асрорлар Аллоҳга тегишли, инсон эришган билимлар Аллоҳ илмларининг тафсири, яъни шарҳидир;

2) Орифга барча илмлар “илҳом” воситасида Аллоҳдан келади. “Илҳом” Аллоҳ томонидан берилган завқ-шавқнинг ифодаси, илоҳий илм, ҳикмат, кашф (маънавий ва ички олам ҳақиқатининг намоён бўлиши)дир. Илҳом илми ладунийдир.

3) Аллоҳдан берилган илм орифни “кашф” мақомига кўтаради. Кашф “парда” (икки нарсга орасига қўйилувчи тўсик, ёпқич)лар ортидаги нарсаларнинг қалбда зухур этиши, очилишидир [Саййид Жаъфар Сажжодий., 1370:142]. Ориф кашф орқали ҳис ва ақл йўли билан идрок этиш мумкин бўлмаган ҳақиқат (инсоннинг Ҳақ таолога яқинлик ҳолига) келиши, қалбининг барча носозликлардан покланиши натижасида эришилган даража)ни қалб кўзи билан кўради [Хожа Ориф ар-Ревғарий., 1994:5]. Бу мартаба воситасида Аллоҳнинг феъл-сифатлари, моддий оламнинг асл моҳияти ва инсоннинг сийрати очиб берилади [Биринджар Р., 2014:242]. Бу ирфондир.

Хожа Абдулҳолик Гийлоний илоҳий маърифатга эришишда қалб кўзининг аҳамиятини “кичик” ва “катта” қалб кўзи орқали тушунтирган: қалбнинг

икки кўзи бор, “суғро” ва “кубро”. “Суғро” қалб кўзи билан илоҳий сифат исмларнинг тажаллиёти мушоҳада этилади. Бу назар ва мушоҳада даражат оламига қадар узаяди. “Кубро” қалб кўзи билан тавҳид ва абадият нури соясида лохут оламидаги яқинлик ўлкасида мавжуд ҳоллар мушоҳада қилинади [Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний., 2005:91].

Ирфон тушунчасининг моҳияти ва мазмуни ирфоний-фалсафий манбаларда акс этган. Шарқнинг деярли барча нуфузли шоир ва ёзувчилари, мутафаккир ва олимлари тасаввуфий илмлардан озиқланиб, унинг теософик (ҳақсеварлик) ва гуманистик (инсонпарварлик) ғояларидан руҳланганлар.

Турк олими У.Турар ирфоний-фалсафий манбаларни қуйидагича тасниф қилган: а) тасаввуфий-фалсафий асарлар; б) тасаввуф илмини изоҳлаган асарлар; в) табақоти суфия асарлар; г) манокиб асарлар; д) одоб ва арконга оид асарлар; е) тасаввуфга доир назмий асарлар; ж) тасаввуфий тафсирилар [Турар У., 1999:13-16].

Илмий изланишлар натижасида ирфон илмининг моҳияти тасаввуфий-ирфоний манбаларни янгича тасниф қилиш орқали қуйидаги тартибга солинди:

а) Оллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари, махлуқотнинг яратилиши ва моҳияти, Оллоҳ-инсон муносабати, билиш, маърифат, ориф, ирфон, ҳақиқат масаласи акс этган ирфоний-фалсафий асар (Аҳмад Хузравийнинг “Риёят би ҳукуки Аллоҳ”, Шайх Авҳадуддиннинг “Жомий жамъ”, Шайх Имом Аҳмад Ғаззолийнинг “Айнийя”, Мансур Ҳалложнинг “Китабут-тавсин”, “Айнул-жамъ”, Шайх Фаридуддин Атторнинг “Асрорнома”, “Илоҳийнома”, “Уштурнома”, Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Ихёу улумиддин”, “Жавоҳирул-Қуръон”, “Мишкотул-анвор”, Айнулқузот Ҳамадонийнинг “Зубдатул-ҳақойиқ”, Шайх Абдулқодир Гийлонийнинг “Сиррул-асрор”, “Фатхур-роҳман”, Азизиддин Насафийнинг “Зубдатул-ҳақойиқ”, Шайх Садрудин Муҳаммад “Манокимжул-ибод илал миъод”, “Ламаъот”, Абу Наср Саррож Тусийнинг “Китобул-лумаъ фит-тасаввуф”, Али ибн Усмон Хужвирийнинг “Кашфул-маҳжуб”, Шайх Нажмиддин Кубронинг “Фавоийхул-жамол ва фавотихул-жалол”, Ҳаким Санойи Ғазнавийнинг “Ҳадиқатул-ҳақиқа”, Ҳаким Термизийнинг “Китобут-тавҳид” асари)лар;

б) Оллоҳ Расулининг сўзлари, ҳадислари, ахлоқлари ва маънавий ҳаёт тарзлари акс этган асар (Имом Бухорийнинг “Жомийус-саҳиҳ”, Ҳаким Термизийнинг “Наводирул-усул”, “Наҳаж”, “Манозилул-ибод”, “Масоилул-макнун”, Азизиддин Насафийнинг “Ал-инсон ал-комил”,

Шарафиддин Яздийнинг “Шарҳи Қасидаи бурда” шарҳи, Муҳаммад Табодгонийнинг “Шарҳи Қасидаи бурда” таржимаси, Абу Исо Термизийнинг “Аш-шамойил ан-набавийа” асари)лар;

в) тариқат, маърифат, ҳақиқат, набий, валий, қалб, ҳол, вақт, самоъ, тамкин, талвин, мукошафа, муроқаба, мушоҳада каби тасаввуф илмининг фундаментал мавзу ва истилоҳлари изоҳланган асар (Ҳаким Термизийнинг “Хатмул-авлиё”, “Илмул-авлиё”, Абу Бакр Калободийнинг “Ат-Таъарруф”, Шихобиддин Сухравардийнинг “Аворифул-маориф” [Mukhamedov N., 2019:7]. Ибн Арабийнинг “Футухоти Маккия”, “Фусусул-ҳикам”, Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Кимёи саодат”, “Мукошафатул-қулуб”, Фаридуддин Атторнинг “Мантиқут-тайр”, Абу Абдурахмон Суламийнинг “Ҳақойиқ”, Абу Толиб Маккийнинг “Қутул-қулуб”, Абдулкарим Қушайрийнинг “Рисолаи Қушайрия”, Амр ибн Усмон Маккийнинг “Китоби муҳаббат” асари)лар;

г) мутасаввиф ва тариқат шайхларининг ҳаёти, силсиласи, шажараси, мақомоти, кашф-каромати, ҳикматли сўзлари акс этган табақот китоб (Фаридуддин Атторнинг “Тазкиратул-авлиё”, Абу Абдурахмон Суламийнинг “Табақотул-сўфийа”, Абдулваҳҳоб Шаъронийнинг “Табақотул-кубро”, Абдулқосим Қушайрийнинг “Латоифул-ишорат”, Ибн Арабийнинг Мавоқиъун-нужум”, Абу Али ибн Синонинг “Рисола фил-ишқ”, Шайх Садрудин Қўнявийнинг “Мифтоҳул-ғайб”, Имом Аҳмад Ғаззолийнинг “Савоних”, Ибн Фориз Мисрийнинг “Тоъия” асари)лари; [Mukhamedov N., Alidjanova L., 2020: 1243].

д) ирфон аҳли, тариқат шайхи (пир)нинг ҳаёти, яшаш тарзи, орифона сўзлари, сулуки, ҳақ йўлидаги солиқларга ўғитлари акс этган манокиб (Абдуллоҳ Ансорийнинг “Манозилус-соирин”, Абу Саид Молинийнинг “Машойихи арбаъин”, Абдулҳолик Гиждувонийнинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний”, “Васиятнома”, Ориф Ревгарийнинг “Орифнома”, Аҳмад Номакий Жомийнинг “Сирожус-соирин”, Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳотул-унс”, Алишер Навоийнинг “Насойимул-муҳаббат” асари)лар;

е) ахлоқий тамойиллар, сайру сулук, мурид ва шайхнинг вазифалари, зикр пайтида ўқиладиган дуолар, тариқат одоби ва панд-насихат китоб (Аҳмад Ғаззолийнинг “Адабул-муридийн”, Ҳаким Термизийнинг “Одобул-муридийн”, Мажидуддин Бағдодийнинг “Тухфатул-барарах”, Нажмиддин Кубронинг “Усули ашара”, Амир Ҳусайнийнинг “Зодул-мусофирин”, Абдурахмон Жомийнинг “Тухфатул-аҳрор” асари)лари;

ж) ирфон аҳлининг “илоҳий ишқ” ва “илҳом” таъсирида ёзган лирик фалсафий-ирфоний, тасаввуфий-ахлоқий, диний-маърифий асар

(Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар”, Абу Али ибн Синонинг “Саломон ва Ибсол”, “Ҳайй ибн Яқзон”, “Донишнома”, “Ишорот ва танбеҳот”, Фаридуддин Атторнинг “Булбулнома”, “Панднома”, Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”, “Девони Кабир”, Ҳофиз Шерозийнинг “Девон”, Саъдий Шерозийнинг “Тулистон”, “Бўстон”, Маҳмуд Шабустарийнинг “Тулшани роз”, Ҳаким Санойининг “Илоҳийнома”, Али Усмон Ҳужвирийнинг “Баҳр ул-қулуб”, Рўзбехон Бақлийнинг “Китобул-анвор” асари)лари; и) ирфон аҳлининг Қуръонга ёзган тасаввуфий-ирфоний тафсир (Жунайд Бағдодийнинг “Тафсир”, Абдуллоҳ Ёфий Яманийнинг “Дуррун-назим фи фазоилил Қуръонил-азим”, Саҳл Тустарийнинг “Тафсир Қуръонил-азим”, Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Ёкутул-таъвил, Абдурахмон Жомийнинг “Тафсир”, Садруддин Қўнявийнинг “Тафсири Фотиҳа”, Камолиддин Абдураззоқ Кошийнинг “Тафсири Таъвилот” асари)лари;

й) ирфон аҳли ёзган ирфоний-тасаввуфий асарларининг таржима (Шихобиддин Сухравардийнинг “Аворифул-маориф” асарининг Заҳриддин Абдурахмон Али Бузғуш ва Шайх Изуддин Маҳмуд Коший таржималари, Муҳаммад Табодгонийнинг “Шарҳи Асмоуллоҳ”, “Арбаъин”нинг зикр ва факр сулуки боби, Абдуллоҳ Ансорийнинг “Манозилус-соирин” асарининг таржимаси)лари;

к) ирфон аҳли ёзган ирфоний-тасаввуфий асарларига шарҳ (Амир Муҳаммад Ҳамадонийнинг “Асмоуллоҳ”, “Асрорун-нукта”, Шарафиддин Яздийнинг “Асмоуллоҳ”, Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг “Шарҳи Фусус”, Мустамлий Бухорийнинг “Шарҳи ат-таъарруф”, Абдураззоқ Кошийнинг “Манозилус-соирин”, Шайх Муъайядуддин Жандий ва Амир Муҳаммад Ҳамадонийнинг “Фусус ал-Ҳикам”, Шайх Рўзбехон Бақлийнинг “Аройис”, Абдураззоқ Кошийнинг “Истилоҳоти суфия” асарига шарҳи)лари ва ҳ.к.

НАТИЖАЛАР

Ирфоний адабиётлар Шарқ халқлари ижтимоий-маънавий ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб, илм-фан, маданият, адабиёт ривожига ижобий таъсир кўрсатган ҳамда умуминсоний маданиятнинг таркибий қисмига айланган. Ирфоний маърифат куйчиларининг ғазал ва маснавийлари илоҳий ишқ тараннуми бўлиб, уларни ҳақиқатга етиш сирларининг кашшофлари дейиш ўринли. Ирфоний адабиётларда ёритилган мажозий ишқ илоҳий ишққа робита бўлади. Зеро, мажозий (дунёвий) ишқ илоҳий ишқнинг биринчи пиллапоясидир:

Бир бор назаринг Ёр юзига тушса агар,

Дунё тўлар эрди бу ишқ афсонасидин [Саъдий Шерозий., 2015:32].

Иккинчи пиллапоя маърифий ишқ, яъни пок “мазҳар”ни пок қалб билан севиш ва пок завқ олишдир. Дунёвий ишқ ҳирс, шаҳват билан қоришган, дунёвий ишққа нафс ва тама синкретлашган (аралаш) бўлса, маърифий ишқ нафс ва тамадан холи, пок назар ва пок завқдан иборат бўлади (яъни нафс ва тама қалбдан ҳикматни кетказди) [Минг бир ҳадис., 1991:15].

Учинчи пиллапоя илоҳий ишқдир. Илоҳий ишқ бевосита Аллоҳга муҳаббат бўлиб, ориф қалбида илоҳий нурни кашф этиб, ўн саккиз минг оламни мушоҳада қилган. Ботиний нигоҳ (қалб кўзи) Ҳақ тажаллий (эманация) этган мавжудотга бокиб, ноумен (нарсаларнинг яширин моҳиятини мушоҳада қилиш) орқали “таҳайюр” (илоҳий ҳайрат) туйғусини пайдо қилган. “Таҳайюр”га ғарқ бўлган орифнинг мушоҳадаси мукошафага айланган. Ана шу нукта (мақом)да илоҳий ишқ пайдо бўлган. “Асрори илоҳий”дан баҳраманд бўлган ориф кўнглида мислсиз илму ҳикмат, илоҳий ишқ, сўнмас ҳиссиёт, нурли идрок мужассам бўлган “илоҳий” (илоҳийнома)лар сел каби қуюлиб келган, қалба Аллоҳ ишқининг отабини ёққан ва жонбахш сатрларда акс этган. Масаланинг яна бир томони борки, мажозий маъноларга ўралгани учун севиб муталаа қилинган бу асарларнинг ирфоний моҳияти ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаган, асар ичига “сочиб юборилган” ирфоний фикрларнинг маъносини англаш ҳар кимнинг қаричига тўғри келмаган. “Бу асарларнинг жуда катта миқдори мутлақо ўзига хос ва ноёбдир, шу боис, уларнинг ҳақиқий маъноси бу сирларни очувчи калитга эга бўлсагина, хазина эшигини очиши мумкин. Айни вақтда бу илмдан хабари йўқлар уни ё ҳарфма-ҳарф биладилар ёки ҳеч нарсани билмайдилар” [Никольсон Р., 1931:171].

Ирфоний илмнинг иерархик таснифи куйидагича белгиланади:

а) илм Аллоҳда;

б) илм Аллоҳдан;

в) илм Аллоҳ билан [Имом Абу Абдурахмон ас-Суллами., 2004:74].

“Илм Аллоҳда” дейилганда Аллоҳнинг сифатларини билиш тушунилса, “илм Аллоҳдан” дейилганда зоҳир, ботин илми, ҳалол-ҳаромни англаш, яхшиликка буюриб ёмонликдан қайтариш илмларини ўрганиш назарда тутилган. “Илм Аллоҳ билан” дейилганда илмни Аллоҳдан деб кўриш, ниятни тўғрилаш, муҳаббат ва шавқ эътиборга олинган. Ирфон, яъни илоҳий маърифат гарчи “виждоний амр” (бевосита қабул қилинадиган нур) бўлса ҳам, унинг “муқаддима”сидир, шунга кўра, илмсиз маърифатнинг бўлиши маҳол ва маърифатсиз илм зиёндир [Абдурахмон Жомий., қўлёзма № 15:6]. Хоҳ аҳли назар (фикр аҳли) ким, уларни уламо

дейдилар ва хоҳ тасаввуф аҳликим, уларни урафо (орифлар) дейдилар, ҳар икки тоифа ҳам ҳақиқатда ҳақимлар (файласуф)дирлар. Балки кейинги тоифа кўпроқ камолот даражасидадир, чунки маърифат илмини Ўзининг даргоҳидан ўрганадилар. Улар (орифлар) анбиёга яқин ва меросхўрдирлар. Ҳар икки йўл охир-оқибатда ўзаро яқиндир. Иккала йўл тадқиқотчилари орасида ҳеч бир зиддият йўқ [Давоний Ж., қўлёзма № 7703:26-28].

МУҲОКАМА

Тасаввуф кенг қўламли ижтимоий фаолликка эга бўлиб, ирфон аҳлининг аксарияти ижтимоий фаол ҳаёт тарзини афзал кўришган, ваъз-насиҳат қилишган, одамларни ўз-ўзи билан, оиласи билан, жамият билан, султонлар билан муроасага келтиришган. Илоҳий дастур асосида кишилар ахлоқидаги қусурларни фазилатга айлантириш йўллари кўрсатишган.

Ирфон аҳлининг бағрикенглиги ва сабр-тоқати оддий одамларнинг меҳрини қозонган. Уламо ўзларини оддий халқдан юқори санаб, уларнинг дард ва шикоят билан қизиқмаган ёхуд раъиятга эътиборсиз бўлган бўлсалар, ирфон аҳли борлиқдаги барча мавжудот қатори оддий одамларга ҳурмат ва эътибор билан муносабатда бўлиб, уларнинг хатти-ҳаракатидан малоллик сезишмаган (мақтов ҳам таҳқир ҳам). Шу тариқа ориф ва валий зотларнинг самимийлиги, саховати, олийжаноблиги, бағрикенглиги, беозорлиги, ҳиммати ҳақида афсона, ривоят ва ҳикоятлар тўқилиб, эл орасига тарқалган. Одамлар хонақоҳларга ўз хоҳишлари билан келиб, шайх ёки пирга боғланиб, маънавий озуқа олишган, муршиднинг сўзларидан қалблари нурга тўлган, иймон-эътиқодлари собит, иродалари мустаҳкам бўлган. Сўфиёна ҳаёт тарзига қарши чиққан айрим шариат аҳли уларни қаттиқ танқид қилишган бўлса ҳам, кейинчалик энг тўғри йўл ирфон аҳли танлаган йўл эканига амин бўлиб, Ҳақ йўлига қадам қўйишган.

Ирфон аҳли танлаган йўл тасаввуфга улкан устунлик бўлиб, хонақоҳлар маърифат майдонига айланган. Мустаҳкам тариқат мактаблари шаклланган. Инсоннинг руҳий эҳтиёжи ва талабидан келиб чиққан руҳий тарбия методологияси (усуллари), муайян ахлоқий меъёрлар, тартиб-қоида ва вазифалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган. Сўфиёна ҳаёт тарзи султонлар, ҳокимлар, амалдорлар ва бошқа дин вакиллари ҳам бефарқ қолдирмаган. Ирфон аҳлининг ҳаёт тарзи барчага ибрат, намуна бўлган. Муршид ва мурид муносабатлари ирфоний илмлар ривож, диний анъаналар интеграцияси (бус-бутунлиги)га йўл очган. Тасаввуфнинг улкан ижтимоий бирликини

вужудга келтириши, тариқат аҳли ўртасидаги жипслик, биродарлик, альтруизм, жавонмардлик каби фазилатлар аввалига султон ва амалдорларни ваҳимага солган бўлса ҳам, ўзлари ҳам мусулмон элита аристократиясининг юқори даражасидаги инсон бўлган тасаввуф аҳлининг давлат ишларига аралашмаслиги, мол-мулкка бефарқлиги, сабр-тоқати, бағрикенглиги, муросасозлигини амалда кўрган ҳукмдорлар тасаввуфга мойил бўлиб, хонақоҳларга ташриф буюришган, ирфоний суҳбатларда қатнашиб, давлат бошқарувида шайхлар маслаҳати ва ўғитларига амал қилишган.

Шариат аҳли ижтимоий воқеликнинг зоҳирий тарафи (илоҳий ҳукмлар, фарз, суннат)ни тартибга солган бўлса, сўфийлар инсоннинг ботиний ҳиссиётини бошқарганлар. Шу маънода, шариат ва тариқат бир-бирига алоқадор, бир-бирини тўлдирадиган, ўзаро уйғун йўл бўлиб жамият рақнақига хизмат қилган. Шариат аҳли ислом дини ҳукми йўл-йўриқларини ўргатган бўлишса, тариқат аҳли сўфиёна ҳаёт тарзи (Аллоҳ хулқи билан хулқланиш)ни тарғиб қилганлар. Улар ўзларини “дўстлар”, “жонлар”, “дил аҳли”, “ўзимизга ўхшаганлар” деб атаб, бир-бирларини ботиний нигоҳ билан танишган, уларнинг валоятдаги мақоми (даражаси)ни фаросат билан англашган. Орифларнинг бир-бирларини фаросат билан таниш усулларини кундалик ҳаётда қўлланадиган оддий ахлоқий ва замонавий психологик атамалар воситасида тўла ифодалаб бўлмайди, Бу усуллар фақат орифларнинг ўзлари учун тегишли ва ўзлари учун тушунарлидир.

Тариқатларнинг хилма хиллиги ислом тасаввуфига хос плюрализмнинг ёрқин ифодаси бўлиб, ҳар бир тариқат шайхи илоҳий маърифат сирларидан огоҳ бўлгани ҳолда, эгаллаган илмини силсила занжири орқали Аллоҳнинг Расули билан боғлаган. Илм-маърифат ўчоқлари кўпайгани сари, шариат илми билан бир қаторда тариқат илми ҳам ўқув дастуридан жой олган. Мадраса ва хонақоҳларда таълим олиш учун узоқ юртлардан, бошқа давлатлардан келган илм толиблари тариқат илмининг кенг ёйилишида катта ҳисса қўшганлар. Жумладан, кубровия тариқати асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро хонақоҳда “усули ашара” (ўнта талаб) асосида мурид тарбиялаш усули (тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, узлат, зикр, таважжух, сабр, мувоқабба, ризо)ни ишлаб чиққан. Турли миллат ва дин вакиллари кубровийлик тариқатини ўрганиш учун Хоразмга келишган ва кейинчалик тариқатнинг кенг тарқалишига замин яратилган. Қодирия, яссавия, мавлавия, хожагон тариқатлари ҳам шулар жумласидандир.

Тадқиқот жараёнида яна бир масалага ойдинлик киритилдики, асрлар оша барча динлар ва илғор фалсафий ғоялар ўша даврнинг сиёсати, ҳукмдори ва мафкурасига хизмат қилган ва бу вазифа “шараф” ҳисобланган. Тарих диннинг сиёсатга, фалсафанинг мафкурага хизмат қилиши нечоғли мудҳиш оқибатлар келтирганини унутмайди (инквизиция, репрессия, фашизм, нацизм, инқироз, турғунлик, ақидапарастлик, экстремизм, шаккоклик...). Легитимлик халқнинг ҳурмати, ишончи, эътирофи ва муҳаббатини англатади. Ўзлари мусулмон элита аристократиясининг юқори даражасига тегишли бўлган ирфон аҳли ҳеч қачон мустабид тузум, мафкура, золим ҳукмдор ёки давлат, зулми ёқламаган, ҳукмдорни оташин сўзлар билан олқишламаган, аксинча, ҳукмдорга ўғит, насиҳат ва ҳикмат билан маънавий озуқа берган, золим ҳукмдорга қарши оппозицион сўз айта олган. Ирфон аҳли ҳокимиятни олишга интилмаган, аксинча, мавжуд жамиятни соғломлаштиришга ва ахлоқий етуқликка даъват этган [Исҳокова З., 2011:178].

Абдуллоҳ Ансорий амалдорларнинг адолатсизликларига чек қўйиш мақсадида салжуқийлар давлатининг вазири Низомулмулкка (ваф. 1092 й.) “Насиҳатномаи вазир” номли мактуб ёзган [Ёкубов А., 2004:23]. Бошқарувчилик ва тартибга солиш маҳоратига эга бўлган муршидлар сиёсий муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилиб, саросимага тушган халқни осойишталикка чақиришган. Мамлакат хавф остида қолганида Ватан ҳимояси учун жонини фидо қилишган. Жавонмардликнинг ёрқин тимсоли бўлган Шайх Нажмиддин Кубронинг муридлари билан Хоразмни мўғул босқинчиларига қарши халқ билан бирдамликдаги кураши фикримизнинг далили бўлиб, бу жасорат ҳозирга қадар халқ қалбида абадий муҳрланган.

ТАҲЛИЛ

Тасаввуф таълимотида ирфон илмининг моҳиятини таҳлил қилиш орқали унинг Шарқ фалсафий тафаккури ривождаги ўрни етти контекстда намоён бўлди:

биринчидан, ирфон зоҳирӣ ва ботинӣ илмлар шарият, тариқат илми билан бирга, фалсафа ва ҳикматни ҳам қамраб олиб, рационал (ақлий) ва иррационал (қалбий, ботинӣ) билиш усуллариини детерминик боғлади, бу жараён инсоннинг тафаккури сарҳадларини кенгайтирди;

иккинчидан, ирфон илоҳӣ маърифатни ахлоқий покляниш, риёзат билан боғладики, инсон зоҳири ва ботинини қанчалик покласа, баркамол ахлоқий фазилат эгаси бўлса, илм-маърифатга шунчалик

кўпроқ интилади ва илҳом, кашф орқали ирфонӣ файзга эришади. Ахлоқий фазилат эгаси бўлмай туриб, маърифат ва билим эгаси бўлиш мумкин эмас. Бу каби қарашлар замирида нафақат инсон, балки бутун инсониятнинг йўлини ахлоқийлашув сари буришдек эзгу мақсад мужассамдир;

учинчидан, ирфон илмининг маърифат ва ихлос, поклик, тўғрилиқ, саховатпешалиқ билан ўзаро диалектик муштарақлиги англашилди. Ирфон Аллоҳ маърифатидан баҳрамандлик, маърифат Аллоҳни таниш, ихлос риё ва юзакилик, манфаатпарастлик, кўзбуямачилиқ каби салбий хислат ва одатлардан халос бўлиш ва покляниш, Аллоҳга яқинляниш, тўғрилиқ, сидқ, химматлиқдир. Бу каби ахлоқий меъёрлар ирфонӣ маърифат тақомилига қадар ҳам мавжуд бўлган муқаддас китоблар “Таврот”, “Забур”, “Инжил”, “Қуръон” ва қарийб барча мутафаккирларнинг ахлоқий қарашларида акс этган қоида ва талаблар парадигмаси [Оғурцов А., 2010:211] бўлган. Бу талаб ва қоидалар авлоддан авлодга ўтиб, тақомилляшиб борган: “Одамлар бирляшиб, бир-бирига ёрдамляшганда бошқалар тўғрисида чинақамига қайғуради, ўзаро ёрдам ва алоқа ўрнатилганда адолатнинг синалган йўллари пайдо бўлади, яшаш воситалари тартибга тушади, фуқаронинг аҳволи мустаҳкамлянади ва инсон зоти сақлянади” [Давоний Ж., қўлёзма № 7703:35]. Ихлос ниятни Аллоҳдан ўзга барча нарсалардан покляш бўлиб, инсонни самимий, тўғри сўз, ҳақгўй қилади. Ростлиқ ва покликка ихлоси бўлмаган одамнинг Яратувчисига тоати ёлғон ва риёдан иборат бўлади. Ирфон аҳли ахлоқий талаб ва меъёрларни худосеварлиқ ва баркамоллиқ тушунчалари билан уйғунляштириб, амалиётда қўллаш билан бирга юксак ахлоқий тамойил ва меъёрларни ўз фаоляятларида намоён этганлар. Улардаги қомил феъл-атвор нафақат сўфийларни, балки ўша жамиятда яшовчи барча қатламдаги, хоҳ фақир бўлсин, хоҳ бадавлат, хоҳ хунарманд, хоҳ мутафаккир, барчани ўзига бирдек жалб этган. Халқнинг ориф ва валий зотлар ортидан эргашиши мазмунида ахлоқий поклик ва Аллоҳга муҳаббат мужассам эди;

тўртинчидан, ирфонӣ илмлардан англашиладиган моҳият инсон бўлиб, инсоннинг яшашидан мақсад ўзлигини англаши ва Аллоҳни танишида акс этади. Аллоҳга сидқидиллик билан интилиш инсон руҳини юксалтиради ва унга ҳуррият (озодлиқ, ҳар қандай боғлянишлардан холилик, қалб ҳурлиги) бағишлаб, ҳар қандай салбий кайфият ўрнига позитив руҳоний ҳолатни вужудга келтиради;

бешинчидан, инсоният амалга оширган илм-фан ютуқлари Яратувчи ва инсоннинг маънавий бирлиги

ҳақидаги шарқона ғоялар билан синтезлашса, илм-фан инсониятнинг фаровонлигига эришиш воситаси (илм ва ахлоқ, заковат ва диёнат муштараклиги)га айланади, ҳеч қандай коррупция ёки ноинсоний ҳатти-ҳаракатларга ўрин қолмайди;

олтинчидан, ирфон ҳикматдир. Қуръонда қалб орқали қўлга киритиладиган илмлар ҳикмат маъносида ҳам келади. Ориф Аллоҳнинг оятларини ҳикмат билан тафаккур қилса, маърифат билан Аллоҳ марҳамат (қўл, юз, оғиз, кўз...)лари ва неъмат (қўлнинг қуввати, юзнинг чиройи, оғизнинг таъм сезгиси, кўзнинг нури)ларини тафаккур қилса, муҳаббат билан Аллоҳнинг ваъдаларини тафаккур қилса, хавф ва умид билан Аллоҳнинг раҳматини тафаккур қилса, шижоат ва ғайрат ҳосил бўлади. Аллоҳ неъматини бўлган илоҳий илмлар ҳам, калом илми ҳам, ҳикмат ҳам, фалсафий ғоялар ҳам инсон тафаккури, шуурида акс этади. Илмда зиддиятга киришилса, илм ютқазади, илмлар ўзаро диалектик уйғунлаштирилса, илм бойийди, инсониятга нафъ келтиради:

еттинчидан, ирфон илмини янги усул ва услуб орқали фалсафий таҳлил ва тадқиқ этиш нафақат Марказий Осиё, балки бутун жаҳон фалсафа тарихи, фалсафий фикрлар ривожига ҳақидаги мулоҳазаларга янги илмий ҳулосалар беришга имкон яратиш билан бирга келажакда юксак маънавий меросини янги тафаккур орқали қабул қилишга замин ҳозирлайди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, орифнинг ҳаёти бутун инсониятнинг ҳаёти билан ҳамроҳлиги эътиборга олинса, ўзида соф шарқона тизимни мужассам этган ирфон илми нафақат Шарқда, балки Ғарб цивилизациясининг туб асосларига кучли таъсир кўрсатади. Ирфон илми ҳаётбахш ахлоқий қадриятларнинг ижтимоий мавқеини тиклаш, орифларнинг ибратли ҳаёт тарзи, ҳикматлари, ўзларидан қолдирган маънавий меросини тарғиб қилиш орқали бугунги кунда жамият учун сув ва ҳаво каби зарур ҳалоллик, меҳр-оқибат, саховат, ростгўйлик, адолат, камтарлик каби ахлоқий меъёрларни жамиятни тузатиш, ҳар тарафдан бостириб келатган ижтимоий зарарли хавфларнинг олдини олиш, глобал жараёнларга маърифат билан ёндашиш, бунинг ортидан башариятни, шу орқали дунёни ворисийлик мезони асосида такомиллаштиришда аҳамиятлидир.

Тасаввуфий қарашлар мусулмон ва бошқа дин вакиллари, оддий одамлар билан бирга зоҳид, обид, ирфон аҳли ва шариат аҳли ўртасидаги ўзаро уйғун жиҳатларни шакллантирган. Тасаввуф аҳлининг

инсоният маънавий камолоти ва ақлий салоҳияти баркамоллиги учун хизмат қиладиган бебаҳо ирфоний асарлари бу таълимотнинг яшовчанлиги ва умрбоқийлиги тимсоли бўлган. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда тасаввуфий-ирфоний асарлар таржималарини амалга ошириш орқали ёшларнинг тарихий хотирани англашларига доир янги парадигмал ёндашувларни ишлаб чиқиш, ворисийлик асосида миллий тарихий тараққиёт тизимини эвристик тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Комилов Н. (1996). Тасаввуф ёхуд комил инсон ахлоқи. I китоб. Тошкент: Ёзувчи, р. 47.
2. Григорян С.Н. (1960). Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII веков. Москва: Наука, р. 13.
3. Хайруллаев М.М. (1994). Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданий тараққиёт. Тошкент: Фан, р. 22.
4. Степанянц М.Т. (2001). Восточная философия. Вводный курс. Избранные тексты. Москва: Издательская фирма Восточная литература, РАН, р. 218.
5. Доктор Саййид Жаъфар Сажжодий. (1370). Фарҳангэ эстэлоҳотэ ва таъбиротэ эрфони. Техрон: Тахурий, р. 219.
6. Комилов Н. (1995). Тасаввуф тараққиётидаги янги йўналиш // Шайх Нажмиддин Кубро. Мақолалар. Масъул муҳаррир Э.Юсупов. Тошкент: Ёзувчи, р. 27.
7. Усмонов И.С. (2006). Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг “Наводир ул-усул” асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба. Тарих фан.ном.дис... автореферати. Тошкент. р. 15.
8. Имом Абу Абдурахмон ас-Суллами. (2004). Табақоти суфийя / Таржима, нашрга тайёрловчи ва муқад. муал. М.Нуриддинов. Тошкент: Фан, р. 75.
9. Mukhamedov Nematullo (2019) “The role of the Sheikh Zayniddin complex in the spiritual life of Tashkent” // Multidisciplinary scientific journal “Arhivarius” collection of scientific publications. p. 7-14. <https://www.researchgate.net/publication/333985613>.
10. Nematullo Mukhamedov, Lazizakhon Alidjanova (2020). Personality of Khoja Akhror and his factor in the social-spiritual Life // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=10&issue=10&article=192>. Pages: 1242-1246. DOI : [10.5958/2249-7137.2020.01263.X](https://doi.org/10.5958/2249-7137.2020.01263.X)
11. Ал-Ҳаким ат-Термизий. (1981). Илм ал-авлиё / Сомий Наср нашрга тайёрлаган. Қоҳира: Айн аш-Шамс университети, р. 85.
12. Hodgson G. (1974). The Venture of Islam: Conscience and History in a World Civilization. V. 2. The Expansion

- of Islam in the Middle Periods. Chicago & London, p 201-254.
13. Зарринқўб А. (1992). Жўстўжу дар тасаввуфи Эрон. Душанбе: Ирфон, р. 368.
 14. Бергсон А. (1994). Два источника морали и религии. Москва: р. 13.
 15. Комилов Н. (1999). Тасаввуф. II китоб. Тавҳид асрори. Тошкент: Ўзбекистон – Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, р. 76.
 16. Смирнов А.В. (1990). Три решения проблемы трансцендентности и имманентности божественной сущности в философии Ибн Араби. Рационалистическая традиция и современность. Ближний и Средний Восток. Москва, р. 15.
 17. Абу Иброҳим Исмоил Муҳаммад Мустамлий Бухорий. (1366). Шарҳ ат-таарруф ли мазҳаб ат-тасаввуф / Матни тайёрловчи, изоҳлар ва сўзбоши муаллифи Муҳаммад Равшан. Техрон, р. 8.
 18. Абу Хамид аль-Ғазали. (2007). Весы деяний и другие сочинения: Пер. с арабского А.Мининой, С.Сагадеева. Москва: Ансар, р. 138.
 19. Жўзжоний А.Ш. (2001). Тасаввуф ва инсон. Тошкент: Адолат, р. 19.
 20. Аликулов. Х.А. (1991). Место религии и суфизма в социально-политической и культурной жизни Средней Азии XIV-XV вв // Из истории общественно-философской мысли и вольнодумия в Средней Азии. Ташкент: Фан, р. 19.
 21. Ўрта Осиё халқлари ҳурфикрилиги тарихидан. (1990) / Масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев. Тошкент: Фан, р. 18.
 22. Из истории общественно-философской мысли и вольнодумия в Средней Азии. (1991) / Отв. ред. М.М.Хайруллаев. Тошкент: Фан, р. 6.
 23. Али ибн Усман аль-Джулаби аль-Худжвири. (2004). Раскрытие скрытого за завесой для сведущих в тайнах сердец. (Кашф аль-махжуб ли арбаб аль-кулуб) / Пер. с английского А.Орлова. Издание первое. Москва: Единство, р. 32.
 24. Кныш А.Д. (1992). Мусулманский мистицизм. Москва: Наука, р. 11.
 25. Абу Ҳомид Ғазолий. (2019). Мукошафат ул-кулуб (Қалблар кашфиёти). Тузатилган қайта нашр / Таржимон: Миразиз Аъзам. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, р. 17.
 26. Доктор Саййид Жаъфар Сажжодий. (1370). Фарҳанги эсталоҳоти ва таъбироти ирфони. Техрон, Тахурий, р. 142.
 27. Хожа Ориф ар-Ревгарий (1994). Орифнома / Форс-тожик тилидан С.С.Бухорий ва И.Субҳоний таржимаси. Тошкент: Наврўз, р. 5.
 28. Биринджкар Р. (2014). Знакомство с исламскими науками: калам, фалсафа, ирфан: в 3 ч / Пер. с перс. С.Хаджаниязова. предисл., коммент. и общ. ред. И.А.Таировой. Москва: Садра, р. 242.
 29. Шайх Саййид Абдулқодир Гийлоний. (2005). Сиррул-асрор. Мактубот / Таржимон, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: О.Жўрабоев. Масъул мух: С.Ҳасанов, С.Рафиддинов. Тошкент: Мовароуннахр, р. 91.
 30. Турар У. (1999). Тасаввуф тарихи. Тошкент: Истиқлол, р. 13-16.
 31. Саъдий Шерозий. (2015). Маърифат ёғдуси / Тузувчи ва сўзбоши муаллифи Э.Очилов. Тошкент: Ҳилол нашр, р. 32.
 32. Минг бир ҳадис. (1991). Арабчадан А.Мансуров таржимаси. Тошкент: Ўзбек маскани, р. 15.
 33. Никольсон Р.А. (1931). Мистические сказки. Лондон: р. 171.
 34. Имом Абу Абдурахмон ас-Суллами. (2004). Табақоти суфиййа / Таржима, нашрга тайёрловчи ва муқад. муал. М.Нуриддинов. Тошкент: Фан, р. 74.
 35. Абдурахмон Жомий. (№ 15-қўлёзма). Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс. Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи кутубхонаси фонди, р. 6.
 36. Давоний Ж. (инв. № 7703). Ахлоки Жалолий. ЎЗФА, Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, р. 26-28.
 37. Исоқова З. (2011). Тасаввуф таълимотида орифлик ва валийлик талқини (Монография). Тошкент: Абу матбуот консалт, р. 178.
 38. Ёқубов А. (2004/1). Тасаввуф ва давлатчилик. Жамият ва бошқарув, р. 23.
 39. Огурцов А.П. (2010). Новая философская энциклопедия в 4 томах / пред. науч. ред. совета В.Степин. Москва: Мысль, р. 211.
 40. Давоний Ж. (инв. 7703). Ахлоки Жалолий / ЎЗФА, Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, р. 135.

REFERENCES

1. Komilov N. (1996). Tasavvuf yoxud komil inson axloqi. I kitob. Toshkent: Yozuvchi, p. 47.
2. Grigoryan S.N. (1960). Iz istorii filosofii Sredney Azii i Irana VII-XII vekov. Moskva: Nauka, p. 13.
3. Xayrullaev M.M. (1994). O'rta Osiyoda IX-XII asrlarda madaniy taraqqiyot. Toshkent: Fan, p. 22.
4. Stepanyants M.T. (2001). Vostochnaya filosofiya. Vvodniy kurs. Izbranniye teksti. Moskva: Izdatelskaya firma Vostochnaya literatura. RAN, p. 218.
5. Doktor Sayyid Ja'far Sajjodiy. (1370). Farhangge estelohote va ta'birote erfoni. Tehron: Tahuriy, p. 219.
6. Komilov N. (1995). Tasavvuf taraqqiyotidagi yangi yo'nalish // Shayx Najmiddin Kubro. Maqolalar. Mas'ul muharrir E.Yusupov. Toshkent: Yozuvchi, p. 27.
7. Usmonov I.S. (2006). Al-Hakim at-Termiziyning "Navodir ul-usul" asari hadis va tasavvuf ilmiga oid muhim manba. Tarix fan.nom.dis ... avtoreferati. Toshkent: p. 15.
8. Imom Abu Abdurahmon as-Sullamiy. (2004). Tabaqoti sufiyya / Tarjima, nashrga tayyorlovchi va muqad. mual. M.Nuriddinov. Toshkent: Fan, p. 75.
9. Mukhamedov Nematullo (2019) "The role of the Sheikh Zayniddin complex in the spiritual life of Tashkent" // Multidisciplinary scientific journal "Arhivarius" collection of scientific publications. -P.7-14. <https://www.researchgate.net/publication/333985613>.

10. Nematullo Mukhamedov, Lazizakhon Alidjanova (2020). Personality of Khoja Akhror and his factor in the social-spiritual Life // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal_ <https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:aca&volume=10&issue=10&article=192>. Pages: 1242-1246. DOI : [10.5958/2249-7137.2020.01263.X](https://doi.org/10.5958/2249-7137.2020.01263.X)
11. Al-Hakim at-Termiziy (1981). Ilm ul-avliyo / Somiy Nasr nashriga tayyorlagan. – Qohira, Ayn ash-Shams universiteti, p. 85.
12. Hodgson G. (1974). The Venture of Islam: Conscience and History in a World Civilization. V. 2. The Expansion of Islam in the Middle Periods. Chicago & London, pp. 201-254.
13. Zarrinko'b A. (1992). Justvo' dar tasavvufi Eron. Dushanbe: Irfon, p. 368.
14. Bergson A. (1994). Dva istochnika morali va religii. Moskva: p. 13.
15. Komilov N. (1999). Tasavvuf. II kitob. Tavhid asrori. Toshkent: O'zbekiston, G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, p. 76.
16. Smirnov A.B. (1990) Tri reshenia problemi transcendentnosti va immanentnosti bojestvennoy sushnosti v filosofi Ibn Arabi. Ratsionalisticheskaya traditsiya i sovremennost. Blijniy i Sredniy Vostok. Moskva: p. 15.
17. Abu Ibrohim Ismoil Muhammad Mustamliy Buxoriy. (1366). Sharh at-raa'iyat li mazhab at-tasavvuf / Matn tayyorlovchi, izohlar va suzboshi muallifi Muhammad Ravshan. Tehron, p. 8.
18. Abu Xamid al-Gazali. (2007). Vesiy deyainiy va drugiye sochineniya: Per. s arabskogo A.Miniyanovoy, S.Sagadeeva. Moskva: Anvar, p. 138.
19. Juzjoniy A.Sh. (2001). Tasavvuf va inson. Toshkent: Adolat, p. 19.
20. Alikulov. X.A. (1991). Mesto religii i sufizma v sotsialno-policheskoy va kulturnoy jizni Sredney Azii XIV-XV vv // Iz istorii obshestvenno-filosofskoy misli va volnodumiya v Sredney Azii. Toshkent: Fan, p. 19.
21. O'rta Osiyo xalqlari xurfiyliligi tarixidan. (1990). Masul muharrir M.M.Xayrullaev. Toshkent: Fan, p. 18.
22. Iz istorii obshestvenno-filosofskoy mysl'i i volnodumiya v Sredney Azii. (1991). Otv.red. M.M.Xayrullayev. Toshkent: Fan, p. 6.
23. Ali ibn Usman al-Djullibi al-Xudjviri. (2004). Raskritiye skritogo za zavesoy dlya svedushix v taynax serdets. (Kashf al-maxjub li arbab al-kulub) / Per. s angliyskogo A.Orlova. Izdanie pervoe. Moskva: Yedinstvo, p. 32.
24. Knish A.D. (1992). Musulmanskii mistisizm. Moskva: Nauka, p. 11.
25. Abu Xomid G'azzoliy. (2019). Mukoshofat ul-qulub. Tuzatilgan qayta nashr / Tarjimon: Miraziz A'zam. Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, p. 17.
26. Doktor Sayyid Ja'far Sajjodiy. (1370). Farhangge estelohote va tabirote erfoni. – Tehron: Tahuriy, p. 142.
27. Xoja Orif ar-Ravgariy. (1994). Orifnoma / Fors-tojik tilidan S.S.Buxoriy va I.Subhoni tarjimasi. Toshkent: Navro'z, p. 5.
28. Birinjkar R. (2014). Znakomstvo s islamskimi naukami: kalam, falsafa, irfan: v 3 ch / Per. s pers. S.Xadjaniyazova. predisl., komment. i obsh. red. I.A.Tairovoy. Moskva: Sadra, p. 242.
29. Shayx Sayyid Abdulqodir Giyloni. (2005). Sirrul-asror. Maktubot / Tarjimon, nashrga tayyorlovchi, suzboshi va izohlar muallifi: O.Jo'rabo'ev. Mas'ul muh: S.Hasanov, S.Rafiddinov. Toshkent: Movarounnahr, p. 91.
30. Turar U. (1999). Tasavvuf tarixi. Toshkent: Istiqol, p. 13-16.
31. Sa'diy Sheroziy. (2015). Ma'rifat yoq'dusi / Tuzuvchi va suzboshi muallifi E.Ochilov. Toshkent: Hilol nashr, p. 32.
32. Ming bir hadis. (1991). Arabchadan A.Mansurov tarjimasi. Toshkent: O'zbek maskani, p. 15.
33. Nikolson R.A. (1931). Misticheskiye skazki. – London: p. 171.
34. Imom Abu Abdurahmon as-Sullami. (2004). Tabaqoti sufiyya / Tarjima, nashrga tayyorlovchi va muqad. mual. M.Nuriddinov. Toshkent: Fan, p. 74.
35. Abdurahmon Jomiy. (№ 15-qo'lyozma). Nafahot ul-uns min hazarot il-quds / Alisher Navoiy nomidagi Adabiyot muzeyi kutubxonasi fondi, p. 6.
36. Davoniy J. (№ 7703). Axloqi Jaloliy. O'ZFA, Sharqshunoslik instituti qo'lyozmalar fondi, p. 26-28.
37. Isoqova Z. (2011). Tasavvuf ta'limotida oriflik va valiylik talqini (Monografiya). Toshkent: Abu matbuot konsalt, p. 178.
38. Yoqubov A. (2004/1). Tasavvuf va davlatchilik. Jamiyat va boshqaruv, p. 23.
39. Ogurtsov A.P. (2010). Novaya filosofskaya ensiklopediya v 4 tomakh / pred. nauch. red. sojeta V.Stepin. Moskva: Misl, p. 211.
40. Davoniy J. (№ 7703). Axloqi Jaloliy / O'ZFA, Sharqshunoslik instituti qo'lyozmalar fondi, p. 135.